Ушбу сонда:
2 ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР
3 «ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИ ЧОРЛАЙДИ
4 ЧЕМПИОНЛАР УСТОЗИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 12 май, чоршанба №58 (705)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПИЛЛА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон туманидаги «Соҳибкор» хўжалиги пиллакорлари Фарғона вилоятида биринчи бўлиб пилла теримини бошлашди. Илғор пиллакорлар ҳар қути қурт уруғидан юз килограммга етказиб қимматбаҳо саноат хомашёси топширмоқда. Бу йил хўжалик пиллакорлари 250 қути ипак қурти уруғининг ҳар қутисидан ўртача олтмиш килограммдан пилла олиш ниятида. Айни вақтда тумандаги Муқимий номли, «Ўқчи», «Гулистон» хўжаликлари «кумуш тола» ижодкорлари ҳам пилла теримига киришдилар.

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 май куни ваколат муддати тугагани муносабати билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Барбара Логан Ҳейни қабул қилди.**

**Қабул Ўзбекистон Президенти девонининг янги биноси - «Оқ сарой»да бўлиб ўтди.**



Давлатимиз раҳбари элчи билан суҳбатда унинг Тошкентдаги хорижий дипломатик миссиялар раҳбарлари орасида алоҳида обрў-эътиборга эга эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон билан Бирлашган Қироллик ўртасидаги муносабатлар равнақ топишида Барбара Ҳей хонимнинг хизматлари катта. Президент Ислом Каримов унинг мамлакатимиздаги фаолиятига юксак баҳо берди ва келгуси ишларида муваффақият тилади.

Бирлашган Қироллик элчиси самимий сўзлар учун Президентга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистонда ишлаган йилларим ҳаётимнинг унутилмас саҳифаларига айланиб қолади, деди у.

Дўстона руҳда ўтган мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар, халқаро доирадаги муаммолар ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

**Суратда: Қабул пайти.**

**А.Тўраев (ЎзА) олган сурат.**

## ИНСОНПАРВАРЛИК ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда инсонпарварлик тамойиллари устуворлигининг яна бир намойиши бўлди. Фармонга кўра нафақат мамлакатимиз, балки чет эл фуқаролари ҳам жазодан озод қилинади.

- Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг амнистия тўғрисидаги Фармони ҳақидаги хабарни эшитиб беихтиёр кўзимга ёш келди,- дейди Қирғизистон Республикаси Бишкек шаҳри фуқароси, маҳбус Роман Тоник. - Агар шу йўлга кирмаганимда яқинда ўтган туғилган кунимни оила аъзоларим, дўстларим даврасида қарши олардим. Жиноят йўлига кириб қолганимдан афсус чекаман. Юртбошингизнинг инсонпарварлиги туфайли муддатидан илгари озодликка чиқаётганимдан жуда-жуда хурсандман. Мен Ўзбекистон ҳукуматининг нафақат мамлакат фуқаролари, балки хорижликларга ҳам кўрсатаётган меҳр-шафқатини кўриб ҳавас қиламан. Ҳеч қайси юртда одамлар ҳаёти, уларнинг келажагига бунчалик эътибор, ғамхўрлик кўрсатилмаётган бўлса керак. Бу кун менинг қалбимда энг унутилмас, энг қутлуғ кун бўлиб қолади.

- Ўн саккиз ёшга тўлдим,- дейди маҳбус Ҳурнисо Мирзаева. - Ёшлик қилиб жиноят кўчасига кириб шу ерда ўтирибман. Бундан минг бор афсус чекаман. Мени деб ота-онам, яқинларимнинг юзи ерга қаради. Осон йўл билан ҳаёт кечиришни ўйлаб ўғирлик қилганлигим сабабли олти йилга озодликдан маҳрум қилинганман. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Фармон ҳаётда тўғри йўлга тушиб олишим учун имконият бермоқда. Умримнинг олти йилини қамоқхонада ўтказишни ўйлаб жуда қўрқардим. Давлатимиз раҳбарининг бундай меҳрибонлиги менда келажакка умид уйғотди. Энди ҳаётга бошқача кўз билан қараш вақти келганини англаб етдим. Юртбошимизга минг бор раҳмат. Аёллар йилида мен каби маҳкума аёлларга кўрсатилган ғамхўрлик чин инсоний олижанoблик ифодаси бўлди.

**Р.КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ГИДРОУЗЕЛ ИШГА ТУШДИ

Навоий вилоятида йирик иншоот - Навбаҳор гидроузели фойдаланишга топширилди. Зарафшон дарёсининг Навоий ГРЭСи ёнида Навбаҳор сув тўғони қурилиши ниҳоясига етказилди. Эндиликда Навбаҳор ва Конимех туманларининг сувга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади. Гидроузел секундига 350 кубметр сувни Конимех насос станцияси ва Навкар каналига етказиб беради. Иншоотни қуришда юз миллион сўмликдан кўпроқ маблағ ўзлаштирилди.

**(ЎзА)**

*Ҳисобот-сайловлар олдидан*

## ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШТИРИЛДИ

**Маълумки, бозор шароити барча қатори касаба уюшмалари олдига ҳам янги, ўта масъулиятли талаблар қўймоқда. Омилкорлик, изчиллик, қатъиятлилик кўрсатиб ишлашни тақозо этмоқда. Шулардан келиб чиққан ҳолда Тошкент вилояти ёқилғи энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси қўмитасида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.**

Ҳозирги кунда вилоят касаба уюшма қўмитаси таркибида 80дан ортиқ корхона ва ташкилот фаолият кўрсатиб келмоқда. Ана шу жойларда ташкил этилган касаба уюшма қўмитаси ва бошланғич ташкилотлар кундалик иш фаолиятларини аниқ режа ва маъмурият билан ҳамкорликда тузилган жамоа шартномалари асосида олиб бормоқдалар. Раёсат қарорига асосан жойларда «Касаба уюшма ходимлари куни» ўқув-семинари мунтазам ўтказилмоқда.

Ўқувнинг мунтазам ўтиши, самарали бўлиши ҳам ҳисобга олинган. Шу мақсадда вилоятимизнинг тўртта ҳудудида тармоқ мажмуалари бўйича ўқув-семинар ўтказиш йўлга қўйилди. Шу ўтган давр ичида бундай ўқув-семинар машғулотлари Ангрен, Олмалиқ, Ғазалкент ва энергетика мажмуасига кирувчи касаба уюшмалари ташкилотларида бўлиб ўтди. Машғулотларда касаба уюшмалари ишини янада такомиллаштиришга доир масалалар ўрганилмоқда. Касаба уюшмалари қўмиталарининг иш тажрибалари оммалаштирилмоқда.

Яқинда Ангрен шаҳрида ўқув-семинарнинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда тармоқ корхоналардаги касаба уюшмалари қўмиталари раислари иштирок этдилар. Ўқув-семинарнинг кун тартибидан шу куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланган касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мавзуси ўрин олди. Ушбу масала юзасидан Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши ташкилий ишлар ва аъзо ташкилотлар билан алоқа бўлими мудири М.Иноғомовнинг маърузаси тингланди. Маърузада жойларда ҳисобот-сайловларни белгиланган муддатларда ўтишига эришиш, касаба уюшмалари иш фаолиятини чуқур таҳлил этиш ва келгусида янада такомиллаштириш, қуйи касаба уюшма ташкилотларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш, касаба уюшмалари тузилмасига кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, ёш, ғайратли, билимдон мутахассис, янгича фикрлайдиган, ўз ишининг фидойиси бўлган садоқатли ходимларни жалб этиш алоҳида таъкидланди.

Ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир бошқа масалалар ҳам ўрганилди. Вилоят касаба уюшма қўмитаси раиси М.Халилова, бўлим мудирлари Т.Рихсихўжаев ва Л.Н.Ишковалар касаба уюшмалари ишини янада такомиллаштириш, иш фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Неъматилла ҚАЮМОВ.**

## БАХМАЛ ҚАЛДИРҒОЧИ

Баҳорга уйғунлашган «Нилуфар» болалар боғчасида арнасойликлар эътиборига сазовор бўлган ҳурматли аёл - Ойбаҳор Қудратова меҳнат қилади.

Ойбаҳор опа асли бахмаллик. Илк педагогик фаолиятини ҳам шу тумандаги 15-ўрта мактабда бошланғич синфларга дарс беришдан бошлаган. «Бизнинг биринчи қалдирғоч» деган эъзозни ҳам шу бахмалликлардан эшитган.

Опанинг 3600 дан ортиқ тарқатма материаллар, 1000 га яқин кўргазмали қуроллар, дидактик материаллар асосида дарс ўтиши замирида катта ижодий меҳнат ётади. Ижодкорлик - иккинчи истеъдоди билан ҳар бир инсон кўнглига йўл топа олган Ойбаҳор опани тумандошлари «Нилуфар» боғчасига раҳбар этиб тайинлашди. Опанинг зиммасига юкланган бу масъулият юксак ишонч самараси туфайлидир, албатта.

Боғчада 40 нафар бола тарбияланмоқда. Боғчадагиларнинг яхши тарбия олишлари учун аввало, шарт-шароитнинг етарли бўлиши кераклигини англаган опа ишни боғчадаги хоналарни қайта таъмирлаш ва теварак атрофни ободонлаштиришдан бошлади.

Мавжуд майдонга мевали ва манзарали кўчатлар экиб, парвариш қилинмоқда. Ҳозир 300 дан ортиқ терак боғча ҳуснига чирой бағишлаб турибди. Соҳибқирон Амир Темур номи билан аталадиган бу боғ болаларнинг яйраб дам олишлари, теварак олам билан танишиш ва очиқ машғулотларни мазмунли ўтказишларида қўл келмоқда.

Кўзланган мақсад аниқ. Жамоа тақдири эса ишончли қўлларда, асосийси, боғча раҳбари жонкуяр. Боғчадаги ўзгаришларни кўрган ҳар бир ота-онанинг жонкуяр раҳбарга ишончи тобора ортмоқда.

Ойбаҳор опа умрини маърифат оламидан дур теришга, болалар тарбиясига бахшида қилишга сарфлади. Ҳамиша эл дарди билан яшаётган инсон бугун ўз оиласида ҳурматли она, набираларига меҳрибон буви.

... Мустақиллик тонгининг яна бир куни. Эртанинг ташвиши билан Ойбаҳор опа боғча томон - жажжилар бағрига ошиқаяпти.

Ўзбек аёлининг энг олийжаноб фазилатлари Ойбаҳор опада мужассам кўриб, меҳримиз янада ортади.

**Номоз ҚАРШИЕВ,**
**Ўқитувчи.**

## КОМПЬЮТЕР ИМТИҲОН ҚИЛАДИ

**Самарқанд вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан соҳада ибратли тадбирлар амалга оширилаётир. Барча бўғиндаги касаба уюшма фаоллари учун ўқув -семинарлар ташкил этилган. «Доимий ҳаракатдаги ўқув-семинар»ларда эса вилоят касаба уюшмаси қўмитасининг ходимлари ўз малакасини чуқурлаштиришаяпти.**

Касаба уюшмаси ташкилотларининг масъул ходимлари корхона, хўжаликларнинг раҳбарлари ва бош мутахассислари, иқтисодчи олимлар, молия, солиқ бошқармаларининг ходимлари, ҳуқуқшунослар машғулотлар олиб бораётгани ижобий натижалар бераяпти.

Тингловчиларнинг билими, қобилияти компьютерда тайёрланган махсус саволлар орқали синаб кўрилмоқда. Шунингдек, улар олдига турли бўғиндаги касаба уюшма қўмиталарининг йиғилишларини тайёрлаш, олиб бориш ва расмий ҳужжатлаштириш бўйича рефератлар ёзиш талаби қўйилган.

Яқинда яна бир янгича иш тажрибасига қўл урилди. Яъни уч кунлик ўқув-семинар ва соғломлаштириш тадбири биргаликда ўтказилди. Унда туман касаба уюшмаси қўмиталарининг раислари - жами 362 нафар фаоллар қатнашдилар.

Тингловчилар ҳузурида чиқиш қилган Ф.Хўжаев номли Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Абдураҳмон Исмоилов қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотини кескин чуқурлаштириш муаммоларини ечиш, мазкур институтнинг кафедра мудири, иқтисод фанлар доктори, профессор Нурулла Санаев қишлоқда янги иш жойини ташкил этиш ва инвестициялар сиёсиятини амалга ошириш, вилоят Давлат солиқ бошқармасининг назоратчиси Алишер Ҳамдамов жисмоний шахсларни солиққа тортиш тартиби ва уларнинг бу борадаги кафолатлари ҳамда имтиёзлари хусусида, вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг бўлим бошлиғи Алишер Нуруллаев эса деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилишининг моҳияти ҳамда уларни ривожлантириш йўллари ҳақида чуқур тушунча бердилар.

Вилоят касаба уюшма қўмитасининг раиси, раис муовини ҳамда бўлимларнинг мудирлари тармоқ касаба уюшмасининг барча бўғинларида ташкилотлар фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар беришди.

Ўқув-семинар қатнашчилари ўзаро тажриба алмашдилар.

Вилоят касаба уюшма қўмитаси муносиб ходимларни тарбиялаш учун яна кўпгина тадбирларни амалга оширишни режалаштирган.

**А.МУРТАЗОЕВ**

*Касаба уюшмалари ҳаёти: Аёллар йили дастури амалда*

## ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ

**Амалдаги йилимизнинг «Аёллар йили» деб эълон қилинганлиги касаба уюшмаларининг бу борадаги интилиши ва ташаббусига қанот бағишлади. Ҳар бир тармоқ қўмиталари ва умуман, касаба уюшма вилоят кенгаши томонидан ушбу йилга бағишлаб алоҳида тадбирлар ишлаб чиқилди.**

Бинобарин аёл ҳақида ғамхўрлик қилиш бу, она ҳақида ғамхўрлик қилиш демакдир. Ҳамма жойда бўлганидек, вилоятимиз касаба уюшмалари ҳам йилнинг ўзига хос хусусияти ва талабини тушуниб етган ҳолда хотин-қизларга меҳрибонликни янада кучайтирган ҳолда иш юритмоқдалар. Шу масала бўйича барча тармоқ қўмиталари ўзларининг махсус иш режалари ва тадбирларини тайёрлаганлар. Ана шулар асосида кенгашнинг Аёллар йилига бағишланган дастури ишлаб чиқилиб кенгаш раёсатида тасдиқланди. Дастурга кўра аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш, бозор иқтисодиётига хос вақтинчалик қийинчиликларини енгиб ўтишда ёрдамлашиш чоралари кўрилди ҳамда уларнинг бажарилиш муддатлари аниқ белгиланди. Масалан, аёлларни иш ўринлари билан таъминлаш уларни ижтимоий муҳофазалашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Зеро, бозор талабларига жавоб бера олмаётган корхоналар, ташкилотлар инқирозга учраётганлиги сир эмас. Шунинг учун ҳам хотин-қизларни янги иш ўринлари билан таъминлаш чоралари кўрилди. Ёки бошқача айтганда, шу йилнинг ўзида хотин-қизлар учун мўлжалланган 10200 та иш ўринларини яратиш, 1250 нафар аёлни турли хил касбларга қайта ўқитиш, 1300 нафар хотин-қизни ҳақ тўланадиган жамоа ишларига жалб этиш, умуман, ишга жойлаштириш имкони бўлмаган 2 минг нафар аёлга ишсизлик нафақаси тайинлаш таклифи ишлаб чиқилиб, мазкур тадбирлар вилоят дастурига киритилди. «Аёллар учун бўш ўринлар кўргазмаси»ни ўтказиш бўйича вилоят меҳнат бошқармаси билан музокаралар олиб борилди ва улар билан ушбу тадбирни йилнинг иккинчи чорагида ўтказишга келишиб олинди. Шунингдек, меҳнат бошқармаси билан «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатишда касаба уюшмалари ходимларининг ҳам иштироки келишиб олинди. «Аёлларга меҳнат қонунчилиги асосида ҳуқуқ, кафолат ва имтиёзлар яратиш» масаласида кўргазмали вилоят ҳудудий семинарини ўтказиш учун тайёргарлик бошлаб юборилди.

Қаровчисини йўқотган, ногирон ва кўп болали ҳамда кам таъминланган аёлларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш касаба уюшмаларининг бу йилги фаолиятида муҳим ўрин тутади, десак адашмаган бўламиз. Чунончи, 8-Март ва Наврўз байрамлари кунларида ана шундай аёлларга ва уларнинг оилаларига хўжалик ташкилотлари маблағлари ҳисобидан 6.020 минг сўмлик ва касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан 588 минг сўм, жами 6.608 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари кенгашнинг тадбирлар дастурида белгилаб қўйилганига мувофиқ халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат қилаётган фаол аёллардан 120 нафарига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, тантанали қабул маросимини ўтказилди. Бугина эмас, шунингдек, ишлаб чиқариш соҳасида ишловчи хотин-қизлар учун жамоа шартномаларида ўз аксини топган имтиёзлар қадам-бақадам бажариб келинмоқда. Оналар учун болалари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган даврга ички нафақа белгилаш, имтиёзли акциялар бериш, декрет таътилларини 5 ойгача чўзиш ва бу даврга корхона ҳисобидан нафақа жорий этиш, иш вақтида ҳамда иш кунларини маоши сақланган ҳолда қисқартириш ва бошқалар шулар жумласига киради. Хотин-қизлар учун хавфсиз меҳнат ва ишлаб чиқариш шароитларини яратиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида 54 та ташкилот, муассаса ва хўжалик ҳамда касаба уюшма ташкилотлари фаолиятлари ўрганилиб, тегишли тадбирлар белгиланди. Соғлиқни сақлаш, маданият, таълим, қурилиш ва савдо тармоқлари меҳнат жамоаларида ҳамда билим юртларида шоирлар, Меҳнат қаҳрамонлари, Олий Мажлис депутатлари ва бошқа таниқли кишилар билан учрашувлар ўтказиб борилаяпти. Мамлакатимизнинг тарихий ёдгорликларга бой шаҳарларига саёҳатлар уюштирилмоқда. Хотин-қизлар ўртасида соғломлаштиришнинг муҳим воситаларидан саналган спортнинг оммавийлашуви чоралари кўрилмоқда. Улар ўртасида турли спорт турлари бўйича беллашувлар уюштирилаяпти.

Аёлларимизни ҳам ижтимоий, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш борасида мавжуд бўлган барча воситалар ва имкониятлардан фойдаланилади. Ёзги соғломлаштириш мавсумида хотин-қизларимизнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини мустаҳкамлашларига эришишнинг ҳамма воситаларини ишга соламиз. Бола тинч бўлса, онанинг ҳам кўнгли тинч деганларидек, ўғил-қизларнинг ёзги таътилни кўнгилли ўтказиши таъминланади. Бу йил касаба уюшмалари тизими бўйича 23830 нафар ёшни дам олдириш режалаштирилган. Бу мақсад учун касаба уюшмаларидан 72 миллион сўм маблағ сарфлаш белгиланган. Шу мақсадда шаҳардан ташқарида 35 та оромгоҳ, мактаблар қошида ҳам ўнлаб оромгоҳлар фаолият кўрсатади. Ҳозирги кунда ҳар бир оромгоҳ бўйича кераклли озиқ-овқатларнинг миқдорлари аниқланиб, таъминотчи ва савдо ташкилотлари билан шартномалар тузилиб, тайёргарлик ишлари ҳам бошлаб юборилди. Хуллас, вилоят касаба уюшмалари 1999 йилнинг вилоятимиз аёллари ҳаётида чинакамига эсда қоладиган йил сифатида ўтиши учун барча чорани кўради.

**Рашидхон МАМАЖОНОВ,**
**Касаба уюшмалари Наманган вилоят кенгаши раисининг ўринбосари.**

# Демократик ҳуқуқий давлат сари

*Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди*

## «ЖАБРЛАНУВЧИ»НИНГ ЎЗИ АЙБДОР

**Меҳнаткашлар манфаатини қонунлар асосида собитқадамлик билан астойдил ҳимоя қилаётган - Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳуқуқий давлат барпо этилаётган мамлакатимиз ҳаётида ўз мавқеини тобора ошириб бораётир. Буни таҳририятимизга фуқаролардан келаётган кўплаб хатлар ҳам исботлаб турибди.**

Ҳар бир шикоят орқасида инсон тақдири ётади. Шу боис, меҳнат низоларини адолатли ҳал қилишда мутасаддилардан катта масъулият талаб қилинади. Негаки, ҳеч ким ўзини ноҳақ деб ҳисобламайди.

Хўжаобод туманининг «Иттифоқ» жамоа хўжалигидан Мақсудахон Ҳасанова йўллаган мактуб фикрларимизни яна бир карра тасдиқлайди. У ёзади:

«Мен ҳеч қаерда ишламайман. Тўғрироғи, меҳнат қилиш учун имконият йўқ. Олти нафар фарзандим бор. Тўнғич қизим- Нигорахон ҳамда кенжа ўғлим - Носиржонлар иккинчи гуруҳ ногиронлари. Улар юришолмайди. Турмуш ўртоғим Абдимўминжон ака эса болаликдан ногирон. Чап кўзи кўрмайди. Бунинг устига у киши оғир кўринишдаги сариқ касаллигига чалиниб, жисмонан камқувват бўлиб қолган. Шундай бўлса-да, оиладаги иқтисодий аҳволимизни яхшилашга мумкин қадар ҳаракат қиларди. Давлатдан ногиронлик учун нафақа олмасак-да, ҳеч кимга ва ҳеч қаерга шикоят қилмаганмиз. Хўжайинимнинг топган-тутганига қаноат қилиб яшардик. Мана, қарийб тўққиз ойдирки, шундан ҳам маҳрум бўлиб турибмиз. Чунки эримни 1998 йил 20 августдан эътиборан асоссиз равишда ишдан бўшатишди. Жорий йилнинг Аёллар йили деб аталиши туфайли: «мендек аёлнинг ҳам додини тинглайдиган кишилар бордир!» деган ниятда шикоятга қўл урдим. Йўқ, ўйламанг, Сизлардан фақатгина битта ўтинчим - болаларимнинг отаси, рўзғоримиз таянчи А.Ҳасанов ўз вазифасига тикланса, бас. Ахир, бозор иқтисодиёти шароитида рўзғор тебратишнинг ўзи бўлмайди-ку!»

Аввало шуни айтиш керакки, Абдумўмин Ҳасанов «Андижон почтаси» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Хўжаобод шохобчасининг Кўтарма алоқа бўлимида 1996 йилдан бери хабарчи (почтальон)лик вазифасида ишлаб келган. У фаолияти давомида бир неча бор фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабабчи бўлган. Эҳтиёжмандларга тегишли нафақа пулларининг бир қисмини ўзлаштиришдан ҳам тап тортмаган. Шу боис, у 1998 йил 20 августдан эътиборан, икки йиллик меҳнат таътилини бериш шарти билан, ўз аризасига биноан Меҳнат қонунчилигининг 99-моддасига асосан ишдан бўшатилган.

Таёқнинг икки учи бўлади, дейдилар. Қарши томоннинг фикрига эътибор берайлик. «Иттифоқ» жамоа хўжалиги аъзоси Қобилжон Алижонов 1997 йил 8 ноябр куни Хўжаобод туман почта алоқа боғламаси бошлиғи Латифжон Тўқаев номига мазкур ходим устидан шикоят ёзади. Унда таъкидланишича, республика ҳарбий прокуратурасидан ўғлининг тақдирига боғлиқ чақирув қоғози жўнатилган. А.Ҳасановнинг вазифасига масъулиятсизлиги туфайли ушбу хат саккиз кун кечиктириб берилган. Ваҳоланки, у яшаб турган хонадон алоқа бўлимидан 500, ишхонасидан эса 200 метр узоқликда жойлашган экан. Бундан ташқари, у ёзган 10 та мактубнинг бирортасини ҳам ўғли олмаган, ўқимаган.

Бизнингча, бундай жойларда хизмат вазифаларига жавобгарликни чуқур ҳис қилган кишиларгина меҳнат қилишлари керак. Негаки, ҳар бир хат ортида инсон бор, тақдир бор.

Яна бир муҳим ҳужжат. Бу - «Иттифоқ» жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролари йиғини раиси Х.Саидовга тегишли. Унинг гувоҳлик беришича, 1999 йилнинг 3 апрел куни «Андижон почтаси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти директори муовини Д.Омонов, Хўжаобод ҳокимлиги бош мутахассиси И.Каримов ҳамда туман почта шохобчаси раҳбари А.Тўқаевлар Мақсудахон Ҳасанованинг йўллаган шикояти юзасидан текширувга келишган.

- Мен уларга 1997 йил 11 ноябрда Қ.Алижонов ва бошқа кишилар хабарчи А.Ҳасанов фаолиятига эътироз билдиришиб, ёзган хатларини фуқаролар йиғинида муҳокама қилганимизни айтдим. Ўшанда Абдимўминжон иш жараёнида йўл қўйган қўпол хатоликлари учун аҳолидан кечирим сўраб, барча айбларини бўйнига олганди. Қобилжон ҳам унинг аҳволига ачиниб, узрини қабул қилди. Одам юзи иссиқ бўларкан. Ножўя ҳаракатларни энди такрорламас деган ниятда хабарчи фаолиятини назорат қилиб туришни зиммамга олдим. Шу туфайли у маъмурий жазо қўллаш шарти билан ўз ўрнида қолдирилди. Бироқ, ишончимизни оқламади. Яна «қилиқ» чиқара бошлади. 1998 йилнинг 17 август куни нафақадорларга 39 минг сўм тарқатиши лозим эди. Лекин у фақат икки кишигагина пул берган,-дейди фуқаролар йиғини раиси. - Қарангки, шу куни вилоят «Андижон почтаси»нинг директор ўринбосари Д.Омонов, Қўрғонтепа туман алоқа шохобчаси раҳбари А.Нурмуҳамедов ҳамда Хўжаобод туман шохобчасининг тафтишчиси Т.Раҳимовлар иштирокида Кўтарма алоқа бўлими ходимларининг иш фаолиятлари ўрганиб чиқилаётган экан. Шунда А.Ҳасановнинг ёнидан нафақа пулларидан 416 сўм ортиқча чиқиб қолди. Далолатномалар тузилди. Ҳатто бу ҳақда хабарчининг тушунтириш хати ҳам бор. Демак, у кишилар ҳақига доим хиёнат қилиб келган. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида бундай ишларни қоралайман. Кафилликка олганлигимизни суистеъмол қилди. Айбдорнинг рафиқаси Мақсудахоннинг йўллаган шикоятини асоссиз деб ҳисоблайман. Чунки, бировларнинг ҳақидан қўрқмайдиган одамларга ишониб бўлмайди. Шунинг учун Абдимўминжон эгаллаб турган вазифасига нолойиқдир.

... Хуллас, арзнома Андижон вилояти касаба уюшмалари Кенгашида атрофлича муҳокама қилинди. Ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган низоларга жабрланувчининг ўзи айбдор эканлиги аниқланди. Унинг вазифасидан озод этилиши қонуний меъёрларга тўлиқ мос келади. Фуқаро А.Ҳасановга ишга янгитдан жойлашиш учун туман алоқа шохобчаси маъмуриятига ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтириб берилди. Шикоятчи М.Ҳасанова эса текширув натижаларидан қаноат ҳосил қилди.

**Муродулла FАФУРОВ.**



## ҚОНУН БАРЧА УЧУН БАРОБАР

### ТУЗОҚ

Тошкент шаҳрининг Хамза тумани «Fалабанинг 40 йиллиги» мавзесидаги сартарошхоналардан бирининг сартароши И.Петрухина ички ишлар бўлимига катта бир аризани кўтариб келди. Сочи тикка бўлиб келган бу аёл ўша дамда сочини битталаб юлишга ҳам тайёр эди. Милиция ходимлари ҳай-ҳайлашиб ҳасратини эшитишди-ю, дарҳол ишга киришиб кетдилар.

Аризада кўрсатилган жойга тузоқ қўйилди. Сартарошнинг ҳужжатларини қайтариб бериш эвазига ундан 10 минг сўм пул талаб қилган туман давлат солиқ инспекцияси нозири С.Й. сўраганининг 8 мингини олаётганида...

Бинойидай обрўси ва ҳурматини атиги саккиз минг сўмга алмашган солиқчининг қилмиши ички ишлар бўлимида атрофлича ўрганилмоқда.

**Шухрат РЎЗИЕВ,**
**милиция капитани.**

*Биздан сўрабсиз*

### Саволларингизга таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

**Савол: 1963 йил 1 январдан 1984 йил 1 январгача мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганман. Ҳозир пенсиядаман. Институтда ўқиган йилларим ҳам ўқитувчилик стажига кирадими?**

**Квартира ва мол-мулк солиғи тўлайманми? Коммунал хизматлари ҳақида аниқ тушунча берсангиз.**

**Қ.Назаров, Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани.**

**Жавоб:** Ўзингиз айтмоқчисиз, 1963 йил 10 январдан бошлаб мактабда рус тилидан дарс бера бошлагансиз. Институтда ўқиб юрган йилларингиз ҳам умумий педагогик стажига киради, бироқ имтиёздан фойдаланишда бевосита ўқувчиларга таълим берган даврингиз ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги «Барча турдаги мактаб ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар ва юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақларини ошириш» ҳақидаги фармонига биноан ўқитувчилик иш стажи ўн йилдан кам бўлмаганлар учун пенсияга чиққач ҳам коммунал хизматлари учун имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқлари сақлаб қолинади.

Пенсионерлар квартира ҳақи солиқларидан озод этилмаганлар.

Давлат ва ташкилот жамғармасига ҳамда қурилиш кооперативларига қарашли уйларда, шунингдек, шахсий уйларда яшовчи педагог ходимлар маиший хизматлар учун (сув, газ, электр энергияси ва уйни иситиш учун қўлланиладиган мосламалар) имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқига эгадирлар. Қишлоқ ва шаҳар шаклидаги қишлоқ жойларда яшовчи педагог ходимлар турар жой ва маиший хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод этиладилар.

Шаҳарда яшовчи педагог ходимлар ушбу ҳақ тўлашдан 50 фоизга озод этиладилар. Иссиқхона(теплица) лар , хўжалик томорқалари учун сув, электр энергияси ва уй-жойни иситиш мосламаларидан фойдаланган ўқитувчилар ўз ҳисобларидан ҳақ тўлайдилар.

**Савол: 1999 йил 1 январдан қишлоқ ўқитувчиларига табиий газдан фойдаланишда ойига 330 сўм пул имтиёзи берилди. Ундан зиёдини ўқитувчининг ўзи тўлайди дейишмокда. Шу тўғрими?**

**О.Жабборов, Хоразм вилояти, Шовот тумани.**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541 сонли қарорида аҳолининг табиий газни иқтисод қилишда манфаатдорлигини ошириш мақсадида 1999 йил 1 январдан табиий газдан имтиёзли фойдаланаётган фуқароларга имтиёзли фойдаланиш меъёрлари белгиланган.

1999 йил 1 январдан бошлаб табиий газдан имтиёзли фойдаланаётган фуқаролар қуйидаги белгиланган меъёрлар асосида тўловлар ўтказиши талаб этилади:

Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти учун йил давомида 2280 м2, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар 2640 м2 газдан имтиёзли фойдаланиш меъёрлари белгиланган.

**Савол: 1. Бир хонадонда икки ва ундан ортиқ имтиёзли кишилар яшаса, уларнинг ҳар бири ўзларига тегишли газ, сув, электр энергияси учун ҳақ тўлаш имтиёзидан фойдаланадими, йўқми?**

2. Бир киши кексалик нафақасига чиққандан кейин ўз ихтисоси бўйича ишлаб юриб касб касаллигига чалинса, у киши Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралидаги 48 сонли қароридан фойдаланадими ёки йўқми?

**М. Душанов, Fаллаорол тумани**

**Жавоб:** 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли қарорининг 19-иловасига биноан, 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб имтиёзлардан фойдаланувчи ҳар бир педагог ходим фақат ўзи учун газ бўйича меъёрий имтиёзлардан фойдаланади. Электр энергияси эса бир оила учун (неча киши педагог ходим бўлишидан қатъи назар) 110 киловатга имтиёз белгиланган.

2. Кексалик нафақасига чиқиб, ўз ихтисоси бўйича ишлаб юриб касб касаллигига чалинса, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48 сонли қароридан фойдаланади.

## КАСАБА УЮШМАСИНИНГ РОЗИЛИГИНИ ОЛМАСДАН...

Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари кенгашининг навбатдаги Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда марказий ва халқ банклари бошқармаси ҳамда уларнинг жойлардаги тизимларида меҳнат қонунчилигига қандай амал қилинаётганлиги масаласи муҳокама этилди.Шу ҳақда кенгашнинг ҳуқуқий ишлар бўлими мудири Шукрулло Абдуллаев ахборот берди.

Айни пайтда халқ банкининг вилоят тизимларида 15 та муассаса ишлаб турибди, уларнинг 12тасида меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши ўрганиб чиқилганда ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Жойларда банк ходимларини ижтимоий ҳимоялашда тармоқ касаба уюшмалари фаоллари ишини янада такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қонунчилигига тўлиқ амал қилиш талаблардан орқада қолмоқда. Туман, шаҳар халқ банки бўлимларида ишга қабул қилиш тўғрисида чиқарилган буйруқлар меҳнат шартномасининг мазмунига тўғри келмайди. Шартномаларнинг ёзма шаклидаги нусхасида кўпчилик устунлар тўлғазилмаган, уларга тартиб рақамлари қўйилиб, рўйхатга олинмаган, бекор қилиш тўғрисидаги буйруқлар эса Меҳнат кодексининг 107-моддасида кўзда тутилганидек расмийлаштирилмаган. Бундай қонунсиз ҳоллар Қарши шаҳри, Китоб, Fузор, Яккабоғ, Қамаши, Касби, Муборак, Қарши туман халқ банки бўлимларида содир бўлмоқда.

Ходим ўз хоҳиши билан ишдан озод қилишни сўраб ариза берган тақдирда орадан икки ҳафта ўтгач, касаба уюшмаси ҳамкорлигида кўриб чиқилиб, маъмурият билан келишган ҳолда меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин. Лекин, Яккабоғ туман халқ банки бўлимида Ҳамза Тўраев шу йилнинг 4 январидан ўз хоҳиши билан ишдан озод этишларини сўраб ёзган аризаси билан меҳнат шартномаси ўша куннинг ўзидаёқ маъмурият томонидан бекор қилинган. Бундай ҳол Қарши шаҳри халқ банки бўлимида ҳам учрайди. Р.Жўраев, Н.Худойбердиевлар ариза бергач, меҳнат қонунлари бузилган ҳолда вазифаларидан озод этилган. Касби туман халқ банки бўлими фаолиятида ҳам юқоридаги қонунбузарликни кўриш мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, Меҳнат кодексининг 101, 102-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан республика давлат муассасалари ва жамият хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ўртасида 1991-1999 йилларга мўлжаллаб тузилган тармоқ битимининг айрим банди талабларига хилоф равишда касаба уюшмалари қўмитасининг олдиндан розилиги олинмасдан меҳнат шартномалари бекор қилинган. Шундай қилиб, умуман, қонунга риоя қилинмаган ҳолда ишдан бўшатиш Қарши шаҳри халқ банкида 46 кишини, Косонда 15, Касбида 19, Қарши туманида 15, Қамашида 31, Fузорда 29, Яккабоғда 5, Шаҳрисабзда 30, Муборакда 12, Чироқчида 29 кишини ташкил этади. Кўриниб турибдики, тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари жойларда меҳнат қонунчилигининг бажарилиши устидан етарлича амалий иш олиб бормаяптилар.

Раёсат йиғилишида сўзга чиққан халқ банкининг вилоят бўлими бошқарувчиси Н.Усмонов меҳнат қонунчилигига қатъий амал қилиш ҳамда йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланишини таъкидлади.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЭСИЗ ЁШЛИК!

Уч йигит. Уч умр. Уч тақдир. Уларнинг орзулари кўп эди. Аммо уларни ўғирлик аталмиш иллат барчаларини қоронғу кўчада бирлаштирди. Бугун эса ўз тақдирларига лаънат айтиб, бошлари хам бўлиб ўтиришибди. Қилмишларига пушаймон. Лекин жуда кеч. Аслида бирон ҳунарнинг бошини тутиб, ҳалол меҳнат қилишлари мумкин эди. Меҳнат қилмай осонликча пул топиш истаги, ўзгалар ҳисобига яшаш иштиёқи уларни жиноят ботқоғига етаклади.

Гагарин шаҳрида яшовчи Номозбой Русметов, амакиси ва тенгдоши Серик Рустемов ва Серик Ҳайитбоевлар ўзаро тил бириктиришиб, Мирзачўл туманидаги «Самарқанд» ва «Хоразм» хўжалигида яшовчи фуқароларнинг қўй ва молларини ўғирлаб, Гагарин шаҳрида сотиб пуллашни одат қилишди.

Жиноий ишларга чек қўйилгунга қадар улар Ҳамза Худойбердиевнинг 7 бош қўйини, Тўти Жомонқулованинг 3 бош қора молини, Қизилбой Қораевнинг эса 10 бош қўйини ва яна 5 нафар фуқаронинг молларини ўғирлашиб сотиб юборишди. Уларнинг ўз режаларини амалга оширишда УАЗ русумли давлат белгиси 13 А 86-49 рақамли автомашинасидан фойдаланишганлиги панд берди. Милиция ходимлари ўғриларни қидириш давомида айнан ана шу автомашина ғилдираклари изи кўпроқ учраётганлигига аҳамият беришди. Калаванинг учи ҳам айнан ана шу автомашина изи туфайли топилди.

«Қўлга тушмаган ўғри-ўғри эмас» қабилида иш кўришган учовлон «уддабурон» ўғирликнинг охири хўрлик экан, дея надомат чекишмоқда.

-Мен қўйларимни қидиришда милиция ходимлари билан кўпроқ бирга бўлдим,-дейди жабрланувчи Қизилбой Қораев.- Улар ўғриларнинг изини топиш учун тунни-кунга улашди.

-Тўғрисини айтсам, қидирув ишлари давридаги қийинчиликларни кўриб, ички ишлар бўлими ходимларининг чеккан машаққатларига гувоҳ бўлиб, молдан ҳам кечиб юборгим келди,-дейди Бекпўлат Улуғов,-Уларга минг раҳмат.

Ҳа, ўғирланган мол ва қўйлар ўз эгаларига қайтарилди.Энди ўғриларга бировнинг моли вафо қилмаслигини ўйлаб кўришга вақтлари етарли.

**Б.БЕГИМҚУЛОВ.**

*Инсон шаънига доғ*

## НОМУС ПУЛГА СОТИЛМАЙДИ

**Шу азиз ватан барчамизники! Унинг порлоқ истиқболига жонимиз фидо. Шундай эмасми? Аммо таассуфки, бугунги синов даврида айрим юртдошларимиз ана шу туйғудан мосуводек кўринадилар. Уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, тепа сочинг тикка бўлиб кетади. Жондор туманидаги Ибн Сино номли жамоа хўжалигининг Лоло қишлоғида шаъни, ор-номуси, топталиб, идорама-идора адолат излаб юрган Шаҳноза Ражабованинг тақдири, кечинмалари билан таниша туриб юқоридаги фикрлар хаёлимдан ўтди. Кўзида ёш, дилида ҳасрат, надомат билан 5-6 ойдан бери сарсон-саргардонликда юрган Шаҳнозанинг ночор қисмати ҳар бир инсофли, диёнатли кишини ларзага солиши табиий.**

Келинг, яхшиси, шўрлик қизнинг «Ишонч»га йўллаган дастлабки хатини ҳукмингизга ҳавола этайлик.

**«Турмуш тақозоси билан 15 ёшимда ишга чиқдим. Ота-онам икковлари ҳам туғма ногирон, гапиролмайдилар. Хўжаликнинг чўл массивидаги 13-бригадасига аъзо бўлиб, меҳнат фаолиятимни бошладим.**

**Орадан бир йил ўтгач, яъни 1998 йилнинг февраль ойида бригада бошлиғи Қилич Қўлдошев менга дала шийпонининг ичкарисидан иссиқ овқат учун ёғ олиб чиққин, деб буюрди. Энди ёғ олаётганимда беҳосдан унинг ўзи хонага кириб келди. Зўравонлик билан менга ташланиб... Қаршилик кўрсатиш, ялиниб-ёлвориш, бақириқ-чақириқнинг фойдаси бўлмади.**

**Ҳозир бўйимда ундан бола бор. Гап-сўзлар ҳамма ёққа тарқалди. Одамлар, эл-хешлар, ота-онамнинг бетига қарашга уяламан. Билсангизлар, дунё кўзимга қоронғу бўлиб кўринади. Яшашдан тўйдим, ўлимимга ҳам розиман.**

**Невараси қатори қизни бадном қилган бригадирдан ўч олай дейману, лекин ожизлигим ҳамда орқамда ҳеч кимим йўқлиги мени шаштимдан туширади. Қатор ҳуқуқий органларга арз қилдим. Минг афсуски, ҳамма ерда ҳақ, адолат йўлини тўсишаяпти. Бригадирнинг пули кўплиги билиниб қолди. Наҳот, мени бир умрга бахтсиз қилган зўравон Қ.Қўлдошевга қонуний жазо бўлмаса».**

Бўлиб ўтган бу хунук воқеа тафсилотлари билан чуқурроқ танишиш, маълум бир хулосага келиш мақсадида бир қанча муддат суриштирув ишларини олиб боришга тўғри келди. Дастлаб жабрдийда Ш.Ражабованинг саломатлиги ҳақидаги маълумотлар қайд этилган қишлоқ даволаш масканида бўлдик. Бош шифокор Шамсиддин Холов ўз тушунтириш хатида Шаҳнозанинг ҳомиладорлиги 91-рақамли қайдномада 1998 йилнинг 4 ноябридан бошлаб рўйхатга олинганлиги ва ҳомила камида 30-31 ҳафталик бўлганини таъкидлайди. Дафтарда гинекологларнинг қайдлари ҳам мавжуд экан. Маълум бўлишича, бўлғуси она руҳан соғлом. Гарчи у балоғат ёшига етмаган бўлсада, ҳомиладорлик жараёни дуруст кечаётганлиги таъкидланган.

Кейин қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ҳамда Ибн Сино номли хўжалик раҳбарлари билан мулоқотда бўлдик. Кутилмаган бу хунук воқеа уларни хийла шошириб қўйганлиги сезилиб турарди. Шунга қарамай, ҳар бир кишининг мулоҳазасини тинглашга ҳаракат қилдик. Бошқарув раиси туман ҳокимлигига юзлашиш зарурлигини таъкидласа, Лоло қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Яраш Раҳмоновнинг қуйидаги хулосаси эътиборимизни тортмай қўймади.

«1998 йилнинг октябр ойи охирларида туман прокуратураси терговчиси Нурулло Рўзиев жабрдийда Шаҳноза Ражабовани сўроқ қилганда қатнашдим. (Ўтган вақт мобайнида жабрдийда билан тергов органлари ҳаммаси бўлиб икки маротаба суҳбат ўтказишган.) Сўроқ давомида Ш. Ражабова ҳомиладор бўлганлиги ва бунинг сабабчиси Қилич Қўлдошев эканлигини айтди. Мен холис сифатида қатнашдим.

Прокуратура сўровидан олдин ҳам хўжалик хотин-қизлар кенгаши раисаси Моҳира Қутлиева, участка нозири Садриддин Бозоров, туман ҳокимининг муовини Раъно Раҳимовалар иштирокида Ш.Ражабова билан бир неча бор суҳбатлашганмиз. Уларда ҳам жабрдийда юқоридаги фикрини такрорлаб кўрсатма берди.

Кейин участка нозири ҳамда М.Қутлиева иштирокида Қ.Қўлдошевни жабрдийда билан юзлаштиришган пайтда ҳам қатнашганман. Сўров пайтида Қ.Қўлдошев қўққисдан «касал» бўлиб қолди».

Тўрт мучаси соғ бўлган бригадир жабрдийда олдида нега бунчалик оёқлари қалтираб, ўзини касал қилиб кўрсатди экан? Шушу у киши ҳали у ерда, ҳали бу ерда даволанаман, деб ҳам жамоатчиликдан, ҳам тергов органи кўзидан мумкин қадар яширинишга ҳаракат қилиб юрди. Ҳатто биз ҳам у кишини анчадан бери излаб, топа олмаяпмиз. Бу қилғиликни қилиб қўйиб жазодан енгилгина қутилиш йўлини излагувчи номардларга хос хусусият эмасми?

Ш.Ражабованинг хонадонида унинг ота-онасига дуч келганимизда бўғзимизда бир дард тиқилгандек бўлди. Улар Қ.Қўлдошевнинг уйини кўрсатиб ўзларича алланималар дегандай ғудранардилар. Онаизорнинг ҳаракатларидан зўравоннинг сочини битта-битталаб юлсам ҳам кўнглим жойига тушмайди, деган нидони уққандек бўлдим.

«Ҳар ким қилмишига яраша қонуний жазога маҳкум этилиши муқаррар,- жабрдийда қоғоздан кўзини узмай дардларини тағин тўкиб солди.- Бахтга қарши одамлар ҳам шийпондан анча нарида эканлар. Додвойимни ҳам эшитишмади. Қилғиликни қилган бригадир «йиғлама» деб мени алдаб-авради. Ҳатто дўқ-пўписа қилиб, қўрқитиб юрди. У «қаерга борсанг, қўлим бемалол етади» деб дағдаға қилди. Ҳозирча уни айтган гапи бўлаяпти. Орадан шунча вақт ўтса ҳамки, прокуратурага, туман ҳокимлигига қилган аризаларимиз изсиз кетяпти».

—Айтингчи, туман прокуратурасига мурожаатдан сўнг сизни у

(Давоми 4-бетда).

*Касаба уюшмаларининг шифо масканларида*

# «ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИ ЧОРЛАЙДИ

**Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги Обид Зокиров кўчаси бўйлаб борар экансиз, нигоҳингиз йўлнинг ўнг тарафидаги деворлар билан ўралган сўлим оромгоҳга тушади. Кўз ўнгингизда хушбўй ҳид таратиб турган анвойи гуллар, хиёбонлар, қишин-ёзин кўм-кўк либосдаги дарахтлар, мевазорлар, узумзорлар, иссиқхонадаги қишки боғлар пайдо бўлади. Бу саломатлик масканига айниқса баҳор фаслида келган киши ўзини бошқача ҳис қилади. Чунки йилнинг тўрт фаслида ҳам кўклам манзараларига бой маскан ҳозирда янада файзли бўлиб, дам олувчилар кайфиятини кўтариб юбориши аниқ. Ушбу оромгоҳ номини «Чинобод»дейдилар.**

Айни чоғда санаторийда бир вақтнинг ўзида 500 нафарга яқин бемор даволаниши мумкин.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси қошидаги санаторий ва курортлар бошқармасига қарашли мазкур оромгоҳ бундан 53 йил муқаддам 75 ўринли ҳарбий госпитал ўрнида ташкил топган, - дейди бош ҳаким Насим Зуфаров. - Ўтган давр мобайнида санаторий ҳам энига,ҳам бўйига ўсди.Ҳозирги кунда масканнинг 22 гектарлик худудида жойлашган замонавий бинолар,даволаш хоналари, 250 ўринли клуб, ёзги ва қишги кинотеатр, ошхона, чойхона, дўкон, кутубхона, спорт майдончаси ва хоналари, гимнастика зали ҳамда кўплаб маиший хизмат курсатиш шахобчалари дам олувчиларга хизмат қилмоқда. Шифохона ҳудудидаги 1554 метр чуқурликдан маъданли сувнинг чиқарилиши сиҳатгоҳнинг довруғини янада оширди. Айни кунларда 58-65 ҳароратли, таркибида кам ишқорли, сульфат, натрий ва бошқа кимёвий элементларга бой ушбу маъданли сувдан беморларни ҳар хил касалликлардан фориғ этиш учун ишлатилмоқда.

Бу ерда асосан сурункали сариқ, қабзият, ўн икки бармоқли ичак, ошқозон яраси, гастрит каби касалликларни даволаймиз. Лекин 1996 йилнинг июл ойидан бошлаб янги 50 ўринли гинекология, 30 ўринли она ва бола бўлимлари фаолият кўрсата бошлагани ва қандли диабет хасталигига чалинган беморлар учун 20 ўринли бўлим ташкил этилгани боис бу касалликларнинг олдини олиш ва даволаш имкониятига эга бўлинди.

Дарҳақиқат, бу ерга келган ҳар қандай бемор касаллик даражасига қараб шифо топиш имконига эга. Деярли барча даволаш усуллари физиотерапевтик муолажаларга асослангани эса санаторийни бошқа шифо масканларидан ажратиб туради. Шифобахш маъданли сув, сув ости массажи, циркуляр душ, балчиқ, озекерит, шағам, йигирмадан ортиқ хонада юздан зиёд паст ва юқори кучланишли қувват билан даволайдиган бальнелогик бўлимлар, жисмоний тарбия зали, физиотерапия, биокимё, бактереология ва кичик лабораториялар шулар жумласидандир.

Беморларга хизмат кўрсатиш учун билимли, зеҳнли, тажрибали шифокорлар, ҳамширалар ва ходимлар жалб қилинган. Ўз ишига фидойи, тажрибали мутахассислар тиббий ускуналарни моҳирлик билан бошқариб, одамларнинг дардини енгиллаштирмоқда. Шифокорлар беморларни даволаш билан бир қаторда мунтазам равишда ўз малакаларини ошириб борадилар. Физиотерапевтик муолажалар ва дориларнинг беморларга таъсир даражаси ҳамда улар танасидаги ўзгаришларни кузатиб боришда илмий изланишлар натижаларига суянадилар. Бу ерда мунтазам олиб бориладиган илмий тадқиқотлар бўйича турли маърузалар ташкил этилади ва физиотерапевтлар учун ёрдам тариқасида тавсияномалар, қўлланмалар тузилади.

### ОИЛАЛАРГА ҚУЛАЙ ВА АРЗОН

— Санаторийимизга келган ҳар бир беморни тиббий кўрикдан ўтказиб, унга аниқ ташхис қўйишга ҳаракат қиламиз, - дея суҳбатни давом эттирди бош шифокорнинг даволаш бўйича ўринбосари Назира Шайхова. - Шифокордан тортиб ҳамшира, энагаларгача дам олувчиларга ширин сўз билан мурожаат қилишади. Чунки беморни даволашда муомаланинг аҳамияти айниқса катта. Қадимда ҳам сўз сеҳри билан даволашга тиббиёт алломалари катта баҳо беришган. Замонамиз тиббиёти аниқлашича ҳам сўз таъсири кучи ёрдамида инсон жисмидаги медиаторлар, гармонлар, биологик моддалар таркибида жиддий ўзгаришлар содир этилар экан. Бир сўз билан айтганда, юракдан айтилган сўз юракка йўл топади. Шу боис масканимизда психотерапия кабинетини ташкил қилдик. Ҳозир у ерда сўз сеҳри билан даволаш сеанслари ўтказилмоқда. Айниқса, қон босими кўтарилган асаб хасталикларида, руҳий сиқилиш ҳолатлари безовта қилаётган, уйқу дориларга ружу қўйган беморларда бу усул ажойиб самара бермоқда. Чунончи бошқа хасталиклар билан касалланган беморлар ҳам психотерапия усулидан фойдаланиб туришибди.

Беморлар билан очиқ мулоқот кунларини ўтказиш ҳам ишимизда ижобий силжишлар бўлишига ёрдам бермоқда. Нимага деганда мулоқот чоғида ҳар бир беморнинг фикри, таклифи ўрганилади. Тиббиёт ходимларининг келгуси ишларини аниқлаб беради. Бу эса ўз навбатида ишимизни режалаштиришда қўл келмоқда. Ўз навбатида очиқ мулоқот кунларида беморларни касаллик турлари, уларни бартараф этишда қўлланаётган усуллар, халқ тиббиёти намуналари ва дори-дармонлар ҳақида ахборот билан таъминлаб турибмиз.

Кейинги вақтларда шифо масканимизга келган беморларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижасида унинг йўлланмасида кўрсатилган бир эмас, балки бир неча касалликлар аломатлари борлиги маълум бўлиб қолмоқда. Шунинг учун бу беморларга қўшимча даво муолажалар белгилаймиз. Баъзан шундай дам олишга келган кишилар ҳам тиббий назоратдан ўтганда кассалликлари борлиги аниқланади ва даволаниб кетадилар. Баъзилари эса санаторийга оқсаб ёки бировлар ёрдамида келадилар. Бундай беморлар даволаш курсларини ўтаб, тетик-бардам бўлиб хайрлашаётганда айниқса хурсанд бўламиз. Чунки шифокор учун беморнинг соғайганини кўришдан ортиқ қувонч бўлмаса керак. Ундан кейин шифокорга касалнинг атрофида парвона бўлиб, қилган меҳнатлари, унга берган дори-дармонлари зое кетмаганлигини кўриш нақадар мароқли.





Бу ерда яна шуни айтиб ўтиш кераккки, санаторийга даволаниш ёки дам олиш учун келган мижозларга қўшимча қулайликлар яратилган. Масалан: 24 кунлик йўлланма билан бир киши эмас, балки 12 кундан икки киши бир вақтнинг ўзида дам олишлари ҳам мумкин. Бу айниқса оилалиларга қулай ва арзондир.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Суратларда: санаторий ҳаётидан лавҳалар.**
**Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

(Давоми бор)

## УЙ БЕКАЛАРИ МАМНУН

Самарқанд вилояти Ургут тумани олис қишлоқлари уй бекаларининг оғири енгил бўлди. Бу ерга табиий газ етиб келди. «Самарқандвилоятгаз» идораси қурувчилари, пайвандловчиларининг ғайрати билан «Оққўрғон», «Ғиждувон» хўжаликларининг юзлаб хонадонида «зангори олов» порлади. Бунинг учун жами ўн етти километр масофага газ қувури тортилди.

## ЗИЛОЛ СУВ КЕЛДИ

Ғиждувон туманидаги «Зарафшон» деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли учта қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик сув билан таъминланди. Шу мақсадда Дамхўжа - Бухоро трассасидан қарийб уч километрли қувур тортилди. Қурувчилар қисқа муддатда 7 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

Айни кунларда хўжалик ҳудудидаги барча қишлоқларни ичимлик сув билан таъминлаш учун қўшимча қувурлар ётқизиш ишлари бошлаб юборилди.

# OLAMDA NIMA GAP

**ЖАКАРТА. Яқинда Индонезиянинг Арсо шаҳрида /Ириан-Жая вилояти/ айирмачилар 11 кишини гаровга олиб яширинган эди. Айни пайтда мамлакат хавфсизлик кучлари зўр бериб жиноятчиларни изламоқда. Индонезия ҳарбийларининг фикрича, улар Папуа-Янги Гвинея билан чегарадош ҳудудларда яширинган бўлиши мумкин.**

**Ириан-Жая ёки Ғарбий Ириан вилояти Нидерландиянинг собиқ мустамлакаси бўлиб, 60-йилларнинг бошларида БМТ кўмагида Индонезияга қайтариб берилган эди. Ўшанда Индонезия ҳукумати бу ерда эркин сайловлар ўтказишга ваъда берганди. Бироқ у сўзининг устидан чиқмади. Натижада вилоят айирмачилик ҳаракатининг ўчоқларидан бирига айланиб қолди. Бундан бир йил муқаддам президент Сухарто ҳокимиятдан кетгач, Ириан-Жаядаги айирмачилик кайфияти янада кучайиб кетди.**

* * *

**Д Е Ҳ Л И**. *Ҳиндистон шу йилнинг сентябрига қадар бутун дунёда ядровий синовларни ялпи тақиқлаш тўғрисидаги шартномага имзо чекмайди. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири Жасвант Сингҳ маълум қилди. Унинг айтишича, Ҳиндистон бу шартномага қўшилиш тўғрисида илгари ўз зиммасига олган мажбуриятни бажара олмайди. Ўтган ойда мамлакат ҳукуматининг истеъфо бергани бунга тўсқинлик қилмоқда, деди у.*

*Ҳиндистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг сўзларига қараганда, мамлакатда сайлов ўтказилгунга қадар шартномани имзолаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.*

* * *

**П Х Е Н Ь Я Н. 20 май куни бир гуруҳ америкалик экспертлар Шимолий Кореядаги ерости объектини текширишни бошлайди. Маълумки, Вашингтон расмий доиралари бу иншоотда Пхеньян маъмурияти ўз ядро қуролини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бораётган бўлиши мумкин, деган шубҳа билдирмоқда. Японияда нашр этиладиган «Дейли Иомиури» газетасининг ёзишича, текширув бир ҳафтага яқин давом этади.**

**Хабарларга қараганда, яқинда Пхеньян маъмурлари америкаликларга шубҳа уйғотаётган бу объектни текширишга рухсат берган. Бунинг эвазига эса АҚШ КХДРга катта миқдорда инсонпарварлик ёрдами кўрсатади.**

* * *

**П Р Е Т О Р И Я.** *Яқинда Гвения-Биссау президенти Жоа Бернард Виейрани лавозимидан четлатган исёнчи қўшинлар айни пайтда мамлакатдаги вазиятни тўлиқ назорат қилиб турибди.*

*Шанба куни исённи амалга оширган ҳарбийлар мамлакат парламенти раҳбарияти билан учрашиши ва муваққат президент тайинлаш масаласини муҳокама қилиши керак. Қўзғолончилар расмий вакили Зиморо Индутонинг айтишича, мамлакатда жорий йилнинг ноябрь ойигача, яъни умумхалқ сайлови ўтказилгунга қадар давлат бошлиғи вазифасини парламент раиси Малан Бакаи Санья бажариб туриши зарур.*

*Кузатувчиларнинг фикрича, агар ҳарбийлар шу йўлдан борса, мамлакатда деярли бир йилдан буён давом этаётган қавмлараро можарога барҳам берилган бўлар эди.*

* * *

**К О Б У Л. «Толибон» ҳаракати қўшинлари Афғонистон марказидаги Бомиён вилоятига уюштирган кучли қарши ҳужум оқибатида бундан уч ҳафта муқаддам қўлдан бой берган ҳудудларни қайтариб олишга муваффақ бўлди. Толиблар вилоят маркази Бомиён шаҳридан Афғонистон ислом бирлиги шиалар партияси қисмларини сиқиб чиқарди.**

**Хабарларга қараганда, бўлиб ўтган жанглар натижасида шиаларнинг ўнлаб аскарлари ўлдирилган ва 50 дан ортиғи асирга олинган.**

* * *

**Т И Р А Н А**. *Албания соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакатдаги косоволик қочқинлар жойлашган лагерлардаги санитар-гигиеник ҳолатни назорат қилиш бўйича қатор қарорлар қабул қилди.*

*Ёз мавсуми бошланаётгани муносабати билан қочқинлар лагерларида ошқозон-ичак касалликлари эпидемияси тарқалиш хавфи туғилмоқда. Вазирлик бунинг олдини олиш мақсадида, биринчи навбатда, қочқинларга берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини қаттиқ назорат қилишга буйруқ берди.*

(ЎзА)



Рио де Жанейро

## НОГИРОНЛАРГА АТАБ

Наманган вилоятидан хушхабар олдик. Наманган шаҳрининг Нодира кўчасида жорий йили қад кўтариши лозим бўлган вилоят ногиронлар уйи лойихаси тайёр бўлди. «Ўздавмеъморчилик» томонидан тасдиқланган ушбу лойиҳада ногиронлар учун барча қулайликлар кўзда тутилган.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ.**

## БАРЧА БИРДЕК МАНФААТДОР

Касаба уюшмалари Андижон вилоят кенгашининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти Аёллар йилига бағишлаб, тармоқлараро спорт мусобақаларини ўтказди. Унда мавжуд 13та тармоқ касабақўм вакиллари, оилавий кўп кураш, енгил атлетика, волейбол, стол тенниси ва шашка бўйича беллашдилар. Андижон шаҳридаги «Ёшлар» спорт саройи майдонларида уюштирилган бу беллашувларда оилавий кўп курашда маданият ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси вакилларига тенг келадигани топилмади. Стол тенниси, шашка ҳамда волейболда ҳалқ таълими жамоаси зафар қучди. Енгил атлетикада эса шифокорларнинг қўли баланд келди.

Умумжамоа ҳисобида таълим ва фан ходимлари жамоаси биринчи, соғлиқни сақлаш ходимлари жамоаси иккинчи ва енгил саноатчилар учинчи ўринларни эгаллашди.

Мусобақаларни ўтказишда республика касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг бўлим мудири Асқарали Султонов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Муаззамхон Шамсибоева, вилоят касаба уюшмалар кенгаши раиси Азизбек Содиқовлар иштирок этишди.

**М.АБДУКАРИМОВ.**

*Ислоҳот мевалари*

# ЮКСАЛИШНИНГ ЕТТИ КАЛИТИ

**Кейинги йилларда Сариосиё туманининг қишлоқ хўжалиги мажмуида туб ўзгаришлар яққол сезилмоқда. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, бу борадаги буюртмаларни, шартнома мажбуриятларини бажариш, иқтисодий инқироздан чиқиш жабҳасида ишончли қадамлар қўйилди. Хусусан туман деҳқончилик учун қулай келмаган 1997 йилда ҳам, ўтган 1998 йилда ҳам давлатга пахта сотиш режаси уддаланди. Бошқа йўналишлардаги топшириқларнинг аксарияти бажарилмоқда. Пировардида туман иқтисодиёти мустаҳкамлана бориб, меҳнаткашларнинг турмуш даражаси яхшиланмоқда, юксалиш нишоналари кўзга ташланмоқда. Хўш, бу юксалишнинг бош омиллари нималардан иборат?**

Иқтисодиётдаги бу юксалиш, ижтимоий-маънавий ҳаётда пайдо бўлган кўтаринкиликнинг биринчи, бош ва асосий калити шундаки, туманда амалга оширилаётган ислоҳотлар инсонга, моддий ва маънавий бойлик яратаётган меҳнат кишиси манфаатларига хизмат қилмоқда. Бошқачасига айтганда, туман аҳли мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўз турмушини иқтисодий ислоҳотлар орқали яхшилаш моҳиятини теран англаб тер тўкмоқдалар, Президентимизнинг ҳаётбахш Фармонларини изчил амалга оширмоқдалар. Энг муҳими сариосиёликларнинг онгида, тафаккурида ўзгаришлар юз бериб, бозор иқтисоди кўникмалари вужудга келмоқда.

Юксалиш томон қўйилаётган ишончли одимлар учун калит вазифасини ўтаётган иккинчи омил, бу туманда ердан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар, деб айтиш мумкин. Бунинг ўз сабаблари бор, албатта. Сариосиё шароитида ҳар қарич ер олтин баҳосида туради. Туманда жами 9,5 минг гектар суғориладиган ер бўлиб, жон бошига ҳисобланганда атиги 0,6 сотихдан тўғри келади. Шунинг учун туман ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, ширкат хўжаликлари ва фермерлик тузилмалари Республикамиз Президентининг ер манбаларидан фойдаланишни яхшилашга қаратилган Фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ер кодексини ҳар бир мутахассис, ҳар бир деҳқон онгига сингдириш юзасидан ишлаб чиқилган аниқ тадбирлар асосида фаолият кўрсатмоқдалар. Аввалламбор ҳар бир қарич ер илмий-амалий томондан ўрганилиб, тупроқ, таркиби унинг биологик хусусиятлари, мелиоратив аҳволи чуқур таҳлилдан ўтказилиб, лозим бўлган ҳолларда унумдорлигини ошириш чоралари белгиланмоқда.

Бурилишга сабаб бўлган учинчи калит туманда қишлоқ хўжаликда ишлаб чиқаришни ташкил этишда жаҳон аграр тармоғидаги энг илғор тажрибалар, парламентимиз томонидан қабул қилинган соҳага тааллуқли қонунлар мажмуининг ижросидан самарали фойдаланилаётганлиги, оила пудрати кенг жорий этилганлиги, мулкий пай муносабатлари дадил қарор топаётганлиги, асосий хўжаликлар қишлоқ хўжалик ширкатларига айлантирилганлигидир. Туман бу борада наинки Сурхондарё вилояти, балки мамлакатимиз миқёсида тарғиб этса арзийдиган тажриба тўпламоқда.

Тўртинчи калит, бу янги технологиялардан ўринли фойдаланишда намоён бўлаётир. Бинобарин, асосий тармоқ ҳисобланмиш пахтачиликда қисқа вақт ичида туб бурилиш юз берди, давлатга пахта сотиш юзасидан давлат буюртмаси икки йилдан буён вилоятда биринчи бўлиб адо этилмоқда. Ўтган йили давлат буюртмасидан деярли минг тонна зиёд пахта тайёрланди. Чигитни плёнка остида эккан пешқадам деҳқонлар «Сўфиён» ширкатлар уюшмасидан Х.Аллаев гектарига 45 центнердан, «Дашнобод» хўжалигидан М.Шодиева 50 центнердан эртаги, толаси сифатли пахта етиштирдилар. Бугунги кунда уларнинг ўнлаб издошлари мазкур усулда ишлашга ўтдилар.

Ўнгланишнинг бешинчи омили уруғчиликка бўлган эътиборнинг кучайгани, бу йўналишдаги ҳукумат қарорлари изчил бажарилаётганидир. Сариосиёликлар ғўза ўстиришда ўзлари учун мақбул навларни аллақачон танлаганлар. Айни пайтда янги навлардан, шу жумладан, туман тупроқ-иқлим шароити учун анча мос бўлган «Наманган-77» навидан оқилона фойдаланилмоқда. Шунингдек, ғўза ўстиришда туп сонига ҳам алоҳида аҳамият берилаётир.

Ҳа, Сариосиё иқтисодиётининг илиги тўқлашмоқда. Шубҳасиз, бунга эришишдаги олтинчи калит ғаллачиликдаги муваффақиятлардир. Ўтган йили 13562 тонна ғалла етиштирилиб, шунинг 9786 тоннаси давлатга сотилди. Биргина ғаллачиликнинг ўзидан 71,1 миллион сўм соф фойда олинди. Лалми ерларда ғалла етиштириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланилмоқда. Бу борада «Маржон» ҳамда «Сурхон» номли буғдой навлари қўл келмоқда.

Туман қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг еттинчи калити шунда бўлмоқдаки, Сариосиёда меҳнаткашлар турмушига, дастурхоннинг тўкин бўлишига бевосита таъсир этадиган тармоқлар ҳисобланган сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик жадал ўсмоқда. Ўтган йили «Сўфиён» хўжалиги ҳар гектар ердан 430 центнер эртаги сабзавот олди. Туман сабзавотчиликдан 20 миллион сўм соф фойда олди. Азалдан ажойиб боғбонлар эли бўлган Сариосиёда айрим экологик муаммоларга қарамасдан боғдорчиликдаги бой тажриба бой берилаётгани йўқ. Машҳур боғбон Носирхон Тўрақулов бу борада ўзига хос мактаб яратмоқда. У ўтган йили ҳар гектар боғдан 224 центнердан сархил мева йиғиштириб олди. Отахон айрим боғларда гектаридан ярим миллион сўмгача даромад олишга эришмоқда...

Саккизинчи калит, тўққизинчи калит, ўнинчи... Ўзбек бойиса, тўй қилади, иморат қилади, дейишади. Бу бизга қадим ота-боболардан қолган мерос. Табиийки, уй қанча кўп бўлса, калит ҳам шунча кўп бўлади. Сариосиёликлар турмушининг яхшиланиб бораётганлиги ҳам аслида биз юқорида бир-бир санамоққа чоғланган омиллар боис. Энг муҳими, буни меҳнат аҳли ўз ҳаёт тарзининг ўзгаришида ҳис этмоқда. Ҳар бир хонадонда бахтли, тўкин турмушни таъминлаш, келажаги буюк давлатимизнинг метиндек мустаҳкам, муаззам биносига ўз ғиштларини қўйиш, янги асрни янги иқтисодий юксалишлар орқали кутиб олиш, бу энг аввало ислоҳотларни чуқурлаштириш, мустақиллигимизнинг саккизинчи йилини мўл ҳосил ва мўл даромад йилига айлантириш эканлигини бугун ҳар бир сариосиёлик яхши билади.

Эҳтимолки, муваффақиятларнинг бош калити ҳам шундадир.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ.**

Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университетида олий ва ўрта махсус ўқув юртларида педагогик технологиялар ва ўқув жараёнларини такомиллаштиришга бағишланган ҳудудий илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан ушбу соҳа раҳбарла-

## ПЕДАГОГЛАР АНЖУМАНИ

ри, педагоглар, мутахассислар қатнашди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида фанларни ўқитиш, янги технологияларини жорий қилиш, ўқув-тарбия жараёнларини қайта ташкил этиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳаза юритиб, бу борада тўпланган тажрибалар билан ўртоқлашдилар.

**А.ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ИҚТИДОРЛИЛАР КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтининг барча жамоалари ўртасида «Аёл — ҳаёт гултожи» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда мазкур институт қошида очилган 7-иқтидорли болалар лицей-интернати ўқувчилари иштирок этдилар. Улар бундай катта саҳнада биринчи маротаба чиқишларига қарамай, ўзларининг байрам табриклари, жозибали куй ва рақслари билан ҳаммани хурсанд қилдилар. Ушбу кўрик-танловда фаол иштирок этган аълочи ўқувчилар танлов сўнгида ҳакамлар ҳайъати тамонидан юқори баҳоланиб танлов ғолиблари бўлдилар. Айниқса, Н.Пардабекова, Э.Эргашев, А.Тошметова, Б.Усмонов каби ўқувчиларнинг чиқишлари яхши таассурот қолдирди.

Шу ўринда бир сўз: Танловни ўтказишдан мақсад бадиий ҳаваскорликда қатнашувчи талабаларнинг энг яхши ютуқлари, халқ ижоди, миллий мусиқа анъаналарини асраш ва ривожлантириш, ёш авлодни санъатга муҳаббат руҳида тарбиялаш, инсоний қадриятни улуғлаш, шунингдек, келгусида ижодий ҳамкорлик доирасини кенгайтириш борасида ўзаро дўстлик, талабаларнинг маданий маънавий муносабатларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Шу билан бир қаторда аёлнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини, жамоат ташкилотлари роли, шахсий ҳаёти ва меҳнат фаолиятини янада яққолроқ кўрсатиб беришдан иборат эди.

Фестивал натижалари сарҳисоб қилинаркан, ундан кўзланган мақсадга эришилганига гувоҳ бўлдик.

**Латофат ХИДИРАЛИЕВА.**

*Ҳар тўғрида*

## ЕВРОПАЛИК САЪДИЙ

Автомобиль, трактор, комбайнларда ҳар хил двигателлар қўлланилади. Улар қанчалик хилма-хил бўлмасин, асосий вазифаси битта-ёнилғи ёниши натижасида ҳосил бўлган иссиқлик энергиясини механик энергияга, яъни ҳаракатга айлантириб беришдир.

Иссиқлик энергиясини назарий жиҳатдан зўр маҳорат билан асослаб берган киши француз олими Сади Карнодир.

Никола Леонар Сади Карно 1796 йили туғилган. 18 ёшида Париждаги политехника институтини тамомлаб, муҳандислик қўшинларида хизмат қила бошлади.

«Оловнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва шу кучни оширадиган машиналар ҳақида ўйлар» деб аталувчи асарини 1824 йилда ўз ҳисобидан нашр эттирди. Ушбу муаммо саноат гуркираб ривожланган ва иссиқлик двигателлар истиқболи учун кенг йўл очиб берди.

Ўзи француз бўла туриб, у номини Сади деб номлади. Гап шундай, Николанинг отаси Лазар Карно йирик давлат арбоби ва математик бўлган. У адабиёт билан қизиққан. XIII асрда яшаб ижод этган, номи Шарқу-Ғарбда машҳур бўлган форс-тожик адабиётининг улкан намоёндаси Саъдий Шерозийнинг асарлари Лазар Карнода катта таассурот қолдирди. Шунинг учун у ўзининг тўнғич фарзандини Саъдий Шерозий шарафига Сади деб атаган.

Лазар Карно неварасининг исми ҳам Сади Карно бўлиб, У француз буржуа сиёсий арбоби эди. 1887 йили республика президентлигига сайланган.

Шундай қилиб, Шарқ адабиёти мумтоз вакили номи орада беш асрликдан кўпроқ вақт ўтгач, француз олими номида ўз аксини топган ва яна бир бор жаҳонга танилган.

**А.АЛИЕВ.**

*«Ишонч» танловига*

# ЧЕМПИОНЛАР УСТОЗИ

**Бугун нафақат мамлакатимиз, балки бутун жаҳон аҳли Сурхондарё вилоятининг чекка қишлоқларидан бирида яшаётган халқаро тоифадаги спорт устаси Эргаш полвон Худоёровни билиб олди. У бундай шарафга бугун майдон сўраб турган полвонларга ўзбек миллий курашининг сирларини сабот билан ўргатаётганлиги боис эришди.**

Насиламбрини айтганда, Эргаш Худоёров ҳам ўтган боболарининг шуҳратини сўндирмай келаётган Сурхондарё алпомишларининг биридир. Киши аслинаслида бўлмаса, полвон бўлмайди. Оқмаган дарёлар, дарё саналмайди. Эргаш полвон тоғли Бойсун туманидаги «Ҳовуз» қишлоғида Худоёр полвон Мингниёзов оиласида дунёга келди. Эсини танигандан бери спортга, хусусан, курашга қаттиқ меҳр қўйди. Қишлоқ тўйларида кураш тушиб, бирин-кетин совринлар ола бошлади. 1970-1972 йилларда кўп қатори ҳарбий хизматда бўлди. Хизмати тугаш арафасида собиқ иттифоқ қуролли кучлари ўртасидаги самбо бўйича ўтказилган мусобақада 1-ўринни олиб, самбо спорти устаси бўлди.

Кейинги чорак аср давомида самбо ва дзюдо бўйича ўтказилган қатор турнирларнинг доимий равишда ғолиби бўлиб келган. Айни вақтда Олтинсой туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раисидир.

- 1992 йилда Сурхондарёга бухоролик Жўрақул полвон Турсунов келди. У киши меҳнат таътилида экан. Бир ой давомида воҳамиз полвонлари ва мураббийлари билан фикр алмашиб юрди. У киши қандай қилиб миллий курашимизни дунёга олиб чиқамиз, деган масалани кўндаланг қўйди. Полвонлар ўз фикрларини айтишди. Охири, шундай хулосага келдик: миллий кураш бўйича Халқаро турнир ўтказиш керак. Бу ҳам ўз-ўзидан бўлмасди. Ўз фикримизни вилоят раҳбарларига айтганимизда, улар бизни қўллаб-қувватлашди. 1993 йил Термиз шаҳрида Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб I Халқаро кураш турнири ўтказишга розилик олдик. Бундан руҳланган полвонлар тайёргарлик ишларини авж олдиришди, - деб эслайди Эргаш полвон.

1993 йил апрель ойида ўтказилган турнирда Эргаш полвон Худоёровнинг шогирди, қумқўрғонлик Ўрол полвон Тўраев мутлақ ғолиб бўлиб, йирик совринни қўлга киритди.

Эргаш полвон барча ниятларига эришди. Ўзи машқларда эринмагани, шогирдларига қаттиққўллиги боис ҳам бир неча бор республика чемпионлари бўлган Бозор полвон Ҳайитов, Алишер полвон Худойқулов, Хушбоқ полвон Қурбоновлар уни устоз сифатида эъзозлаб юришади.

Бутун умрини спортга бағишлаган Эргаш полвон Худоёров 1995, 1997, 1999 йилларда Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган Халқаро кураш турнирларида ёрдамчи мураббий бўлиб келди.

Тинимсиз изланишлар, кетма-кет ўз натижаларини бера бошлади. Жорий йилнинг 1-2 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган I-Жаҳон чемпионатида Эргаш полвон Худоёров Ўзбекистон терма жамоасига бош мураббийлик қилди. Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия қўмитаси томонидан билдирилган бу катта ишончни у шараф билан оқлади. Жаҳон чемпионати қаҳрамонимиз учун унутилмас воқеа бўлиб қолди. Аввало, унга мамлакат спортчилари билдирган ишонч, қолаверса, чемпионатга Сурхон воҳасидан қатнашган уч нафар шогирди ҳам устозининг юзини ерга қаратмади. Тоштемир полвон Муҳаммадиев жаҳон чемпиони сифатида олтин медал соҳиби бўлган бўлса, Эрали полвон Маҳмарасулов ва Махтумқули полвон Маҳмудовлар кумуш медалга сазовор бўлишди.

Бугун биз Эргаш полвон Худоёровни чемпионлар устози дейишга тўла ҳақлимиз.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**



## МЕҲНАТ БАХТ КЕЛТИРДИ

Косон туманидаги «Кўнғиртов» жамоа ширкат хўжалигида бир неча йилдан буён самарали меҳнат қилган чорвадор Шоймардон Муродов бахтини меҳнатдан топганлардан. Бугунги кунда 12 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказган турмуш ўртоғи Меҳрибон Олимова билан набиралар куршовида фаровон ҳаёт кечирмоқда. Ўзи нафақага чиқиб, чорвачиликни давом эттиришни ўғли Аҳрорга топширди. Айни пайтда кексалик гаштини сураётган Муродовлар оиласига ҳамма ҳавас қилади.

**Суратда: Шоймардон Муродов набираси Мадина билан.**

*Ғаройиб олам*

## ОЗМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

*Австралиялик мутахассиснинг фикрига кўра, истеъмолдан сўнг узоқ вақт оч қолдирмайдиган маҳсулот картошка ҳисобланар экан. Ундан сўнг, макарон, каша, балиқ таомлари ҳам шундай хусусиятга эга ҳисобланади. Рўйхатнинг охирларида бифштекс ва тухумли таомлар туради. Бу таомлар оч қолмасдан озишни мўлжаллаганлар учун айни муддао экан. Шунингдек, озишни истаганлар қаҳва ичишдан ўзларини тийганлари маъқул. Исботланишича, қаҳва кучлим очлик туйғусини уйғотади. Тўғри бир стакан ичиш мумкин, чунки бир стакан кофе ҳазм қилиш йўлларини яхшилаб қорин оғриғини олдини олади.*

# НОМУС ПУЛГА СОТИЛМАЙДИ

**(Давоми. Боши 2-бетда).**

билан юзлаштиришдими?

— Юзлаштириш дейсизми, уни лоақал бир марта ҳам терговга чақиришгани йўқ. Биз эса терговчи Нурулло Рўзиевга ўн марталаб мурожаат этсак-да натижа бўлмаяпти.

1998 йил 9 декабр куни у ерга кўплашиб бордик. Терговчи ишни қатлаб уриб, суриштирув ёзувларини ўқишга ҳам қўймай, «Қани, идорадан чиқиб кетинглар, эртага қишлоқ фуқаролар йиғинида ишни «разбор» қиламан» деди. Орадан 5-6 кун ўтса-да, ундан дарак бўлмади.

—Сиз билан ўша куни кимлар борган эди?

— Амаким Ф. Ражабов, холам Маъмура Темирова, янгам Гулноз Жўраева, онам Ойсара Темирова, аммам Жамила Ражабова, поччам Абдулло Эргашевлардан сўранг, агар ишонмасангиз.

Уларнинг барчаси жабрдийда айтгандек, туман терговчисидан норози эканликларини билдиришди. Кўзлари киртайиб қолиб, ўзини анча олдириб қўйган, асаблари тобора таранглашиб бораётган Шаҳноза билан бўлган суҳбат чоғида доя - ҳамшира Мубашира Эргашева, хўжалик аъзоси Гулнора Жўраева, холислардан Хушандом Умидова, Сиддиқ Ҳамроев, шунингдек, амакиси Ф. Ражабовлар ҳозир бўлдилар. Суҳбат тафсилотлари асосида тўлғазилган далолатномага уларнинг ҳаммаси имзо чекишди.

**Ҳозирча хийла чекиниш қилиб, Жондор туман прокуратураси томонидан берилган жавоб хатига тўхталиб ўтайлик.**

**«Бухоро шаҳар «Мустақиллик» кўчаси 52-уй, 1- хонасида яшовчи муҳтарама Темирова Маъмурага, нусҳаси Жондор тумани Ибн-Сино номли жамоа хўжалиги 13-бригадасида яшовчи муҳтарама Ш.Ражабовага.**

**Жондор туман прокуратураси томонидан Сизнинг 22.10.1998 йилда Ибн Сино номли жамоа хўжалигининг 13 бригада бошлиғи Қилич Қўлдошев томонидан жиянингиз Шаҳноза Ражабованинг зўрлаб номусига тегканлик факти юзасидан ёзган аризангиз текшириб кўрилди.**

**Ўтказилган текширувда бригада бошлиғи Қ.Қўлдошев томонидан Ш.Ражабовани зўрлаб номусига тегиш ҳоллари аниқланмади. Шу сабабли тўпланган хужжатлар бўйича 1998 йил 3 ноябрда Ўз.Р.ЖПК 83-моддаси 2 қисми ва 333 моддасига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилди.»**

5 ноябрда туман прократурасининг Н.Рўзиев имзоси билан мана шу тарздаги жавоб хати олинганига ажабланманг.

Хўш, келингки, муҳтарам терговчи таъкидлаганларидек зўрлаб номусга тегиш ҳоллари аниқланмабди. Унда нега Қ.Қўлдошев «босди-босди» қилиш мақсадида жабрдийданинг акаси Икром Ражабов ҳамда Бухоро шаҳри «Мустақиллик» кўчаси 52-уйининг 1-хонасида яшовчи холаси Маъмура Темировaларнинг олдидан ўтиш, керак бўлса 500 минг сўм ҳадя этиш мумкинлигини таъкидлаб, қайинукаси Шамсиддин Мустафоевни «ўйин»га киритди экан-а? ( Иккиси ҳам бу далилни тасдиқлаб беришган, номус пулга сотилмаслигини таъкидлашган). Ўз-ўзидан кўринадики, бригадир ёпиқ қозон ёпиқлигича қолиши учун бор имкониятни ишга солган.

Бунда у, шубҳасиз, таниш-билишлари, қавм-қариндошлари кучидан фойдаланган. Агар Қ.Қўлдошев қилиғиликни қилган бўлмаса нега у илк юзлаштириш жараёнида ўзини касалликка солди? Нега қишлоқни тарк этиб, даволанаётган масканларини узоқ вақт «сир» сақлади?

Маъмурий органларга хабар бўлгач, нега жабрдийда қизнинг яқинлари (айнан ҳақиқатни юзага чиқишини талаб қилиб югураётганлар)га ўртага одам қўйиб пул юбортирди?

Агар у бегуноҳ бўлса унда нега Лоло қишлоқ оқсоқоллар кенгашининг 1999 йил 4 январда бўлиб ўтган йиғинида сўз олган ўнлаб қишлоқ фаоллари бригадирнинг маиший бузуқ эканлигини очиқ-ойдин эътироф этиб, унга қишлоқда ўрин йўқлигини таъкидладилар.

Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, ҳаётий ҳақиқат бу ерда ҳам ўз исботини топди, дейишга ҳақлимиз. Негаки, бундай хулосага келиш учун бизда етарли асослар бор.

Жондорда юз берган ушбу воқеа фуқароларнинг норозилиги ва қаҳрғазабига сабабчи бўлди. Бундай беъмани ҳолатларга батамом чек қўйиб, унга ҳолисона баҳо берилиши керак, деб ўйлаймиз. Биз шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги сўзларини эслатиб ўтишни лозим топдик: «Эй банда, сен одамсан. Сени Аллоҳтаоллоҳ инсон қилиб яратган. Шунга муносиб бўл. Инсонлик шаънига, инсонлик номига яраша бўл. Ўз қилган гуноҳларинг учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиш мумкин. Аммо охиратда қаерга қочасан?».

Адолат!.. Дилини ҳаққу ҳақиқатга тиккан улус борки, унга талпинади. Қор тагидан бойчечаклар кўринганидек, сен ҳар замонда умид учқунлари мисол чирой кўрсатасан.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, қилғиликни қилиб, ҳозирча дўпписини яримта қилиб юрган Қ.Қўлдошев эртами-кечми, албатта, қилмишига яраша «насибаси»ни олади. У номус пулга сотилмаслигига албатта иқрор бўлади.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН**

**Чиндан ҳам шундай бўлди. Гарчанд жабрдийда Шаҳноза Ражабованинг номуси топталганлиги билан боғлиқ жиноий ишга ойдинлик киритилиб, ҳақиқатни қарор топтириш жараёни осон кечмаган бўлса-да, жиноятнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган ҳолатлар атрофлича ўрганилиб, тегишли хулосалар чиқарилди. Ушбу факт юзасидан тўпланган маълумотлар туман прокуратурасини анча ҳушёрлик билан иш юритишга ундади. Ниҳоят, 6-7 ойдан буён чўзилиб келаётган, мазкур иш ниҳоясига етказилди. Зўравон бригадир Қ.Қўлдошев устидан жиноий иш қўзғатилди. Жондор туман суди (раиси Иброҳим Умаров)нинг шу йил 22 мартида бўлиб ўтган йиғилишида Қ.Қўлдошевнинг жиноий хатти-ҳаракатлари батафсил кўриб чиқилди.**

**Жиноят кодекси 121-моддасининг 2-қисми бўйича у айбли топилиб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилди.**

*Халқаро анжуман*

# ОСИЁ—ЕВРОПА ТРАНСПОРТ КЎПРИГИ

**Кеча Тошкентда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси маъмурий биносида бошланган Халқаро конференция «Осиё — Европа транспорт кўпригини ривожлантириш муаммолари» деб номланди.**

Бугунги кунга келиб кўплаб мамлакатлар транспорт-коммуникация соҳасининг муҳим муаммоларидан бири бу - Буюк ипак йўлини қайта йўлга қўйилиши масалалари билан узвий боғлиқ бўлиб қолди.

Брюсселлда Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўналиши - ТРАСЕКАни яратиш ҳақидаги Декларация қабул қилинганига ҳам 6 йил бўлди. Унинг иқтисодий аҳамияти йирик халқаро анжуманларда, хусусан, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1998 йил сентябрь ойида Бокуда бўлиб ўтган халқаро конференциядаги маърузасида алоҳида қайд этилди. Айнан шу анжуманда биринчи марта Президентимиз томонидан Европа ва Осиёни боғловчи бу «кўприк»ни йўлга қўйиш борасидаги ҳудудий жиҳатдан ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ўртага ташланган эди. Тарихдан маълумки, Буюк ипак йўли Япония қирғоқларидан бошланиб, Марказий Осиё ҳудудидан кенг кўлам олди ва Европага бориб ниҳояланди. Темурийлар сулоласи даврида Буюк ипак йўли йўналишида «кўприк» ва айни пайтда савдо маркази ролини Самарқанд ўйнади.

Шу боисдан ҳам мазкур Халқаро конференциянинг бош ғояси Марказий Осиёнинг маркази ҳисобланган Ўзбекистоннинг Осиё ва Европа транспорт кўпригини йўлга қўйиш борасидаги ташаббускорлигини тан олиш ва унинг бу ишдаги етакчилик мавқеини янада мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Мазкур конференцияни Осиё ва Европа ўртасидаги «кўприк»ни юзага келтириш борасидаги мамлакатлар ҳаракатининг Боку анжуманидан кейинги қадамини амалий жиҳатдан текшириб кўриш деб ҳам баҳолаш мумкин.

Конференцияда ўнлаб Осиё, Европа ва МДҲ мамлакатлари транспорт-коммуникация, божхона ташкилотлари раҳбарлари, йирик тижорат корхоналари, шунингдек, Ўзбекистон аъзо бўлиб кирган кўплаб халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистондан эса мазкур масалалар доирасидаги вазирликлар, компаниялар, ассоциациялар ва қатор ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари қатнашмоқда.

Конференция олдидан унинг қатнашчилари Ўзбекистон ва чет эл журналистлари билан матбуот конференцияси ўтказишди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Л.А.Ахметов бошқарди.

**Ч. ЛАТИПОВ.**

## КУЛИШ ҲАМ МУАММО...

Тиниб-тинчимас олимлар нималар устида бош қотиришмайди дейсиз. Уларнинг синчиков нигоҳларидан ер остидаги ҳашоратлардан тортиб, олис коинотдаги музликлар ҳам қочиб қутилмайди. Аммо олимларни ўйлантириб келаётган асосий нарса бу - барибир инсон ҳаёти, уни безовта этаётган муаммолардир. Ғалати, лекин яқинда мутахассислар фикрини билиш ва бу нарсанинг келажакда инсоният ҳаётида қандай ўрин тутиши банд этди. Натижаси эса қониқтиради деб, бўлмайди. Шу кетишда яна бир неча 100 йилдан сўнг кулги нималигини унутиб юборсак ҳам ажаб эмас. Демак, бугунги расмий маълумотларга кўра сайёрамиздаги энг кам куладиган халқ французлар экан: улар кун мобайнида бор йўғи 6 дақиқагина табассум қилишлари мумкин. Улардан кейинги ўринни инглизлар банд этишади, улар бир кунда 15 дақиқа кулишлари мумкин. Италияликлар эса ҳар ҳолда кулгини 19 дақиқага етказишади. Лекин, биз хавотирланмасак ҳам бўлади, бизни бу жиддийлик ҳали бери таъқиб қилаётгани йўқ. Истасак, 24 соат ҳам кулиб юришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Озиқ-овқат саноати илмий техника жамияти **тугатилади**.

Шикоят ва аризалар эълон чиққандан сўнг бир ой ичида 45-20-80 рақамли телефони орқали қабул қилинади.






ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 22.00 Топширилди 2250

Буюртма Г— 0376. Нусхаси — 18.090. Навбатчи муҳаррир — З. Рихсиев. Навбатчи — М. Ҳамдамов. 123456